

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Л. Бегимкулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматкулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>М.Хамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Саидова</b>	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>

cross platform. The work can be further extended by adding new features and exploring new possibilities in client server based applications.

#### 4. CONCLUSION

Therefore, Flutter and Firebase, both products are built by Google, so this is the ultimate combination for making mobile apps. When we must add Firebase to our application, we must setting up firebase settings for every platforms such as iOS,

Android, MacOS and web. Firebase NoSQL database and it work with very fast new google technology Firestore. For back-end part Real time systems Firebase best solution. Because Firebase have own notification system, secure, have auth system, analytics, ads system and fast real time database. Integration Firebase with Flutter easy and every platform may work with Firebase for example: Android, iOS, MacOS and web.

#### References:

1. Kriha Walter, 2009 NoSQL Databases Hochschule der Median. Stuttgart Media University. Stuttgart.
2. Pore Supriya S, PA war Swalaya B, 2015. Comparative Study of SQL & NoSQL Databases. International Journal of Advanced Research in Computer Engineering & Technology (IJARCET). Volume 4 Issue 5 May 2015.
3. Sharma Vatika, Dave Menu. 2012. SQL and NoSQL Databases. International Journal of Advanced Research in Computer Science and Software Engineering. Volume 2, Issue 8, August 2012.
4. Daniel Pan. 2016. Firebase Tutorial. October 2016.
5. "Firebase Real-time Database". Firebase, Inc. dated 18/3/17.
6. Bill Stoneham, Google Android Firebase: Learning the Basics Paperback, 2016 dated 18/3/17.
7. <https://firebase.google.com/>.
8. <https://firebase.flutter.dev/>
9. <https://www.javatpoint.com/firebase-introduction>
10. <https://codebun.com/firebase-tutorial/>
11. <https://db-engines.com/en/ranking>

**ХАЛҚПАРВАР, ВАТАНПАРВАР, ЗАБАРДАСТ  
ФАЙЛАСУФ ОЛИМ (1929-2003)**



Инсон ҳаёти ўлчоғлик. Шундай инсонлар борки, бутун ҳаётини халқига, миллатига, Ватанига хизмат қилишга бағишлайдилар. Бу йўлдаги чексиз қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, мақсадга

эришадилар ва номлари абадиятга дахлдор бўлиб қолади. Ана шундай инсонлардан бири халқ фарзанди Эркин Юсупов эди. Эркин Юсупович Юсупов 1929 йил 15 мартда Фарғона вилоятининг Қува туманида туғилган. Отаси Тошмирза Мирзаев Марғилон шаҳрида яшаган. Тошмирза Мирзаевнинг отаси Қувалик Муҳаммад Ризабой бўлиб, унинг онасини учинчи хотин қилиб бойга турмушга берган.

Эркин Юсуповичнинг ота-онасини икки ёш боласи билан бойнинг фарзандлари сифатида 1931 йилнинг баҳорида Тошкент яқинидаги Ўрта Овул станциясидан Бўзсув бўйидаги чўлу биёбонга олиб келишган. Қулоқлар кўчириб келтирилган жойнинг ҳамма томонлари милиция ходимлари томонидан ўралгани учун, ГПУ рухсатсиз бошқа жойларга, ҳатто бозорга чиқишга ҳам рухсат этилмаган.

“Бизнинг оиламиз, – деб эслайди Эркин Юсупович, – дастлаб баланд очиқ тепалиқда қурилган ертўлада жойлашди. Бу ертўланинг деразаси ҳам, эшиги ҳам йўқ бўлиб, томи ер билан баробар эди. Ертўланинг ичи зах, деворларида эса турли ҳашаротлар, судралувчилар уяси бўлган кўплаб коваклар бор эди. Тинимсиз кучли шамоллар бўлиб тургани асло эсимдан чиқмайди. 1932-1933 йилларда содир бўлган даҳшатли очарчилик ҳам эсимда. Отам ва онам далада кетмон чопар, синглим билан мени ёлғиз уйга ташлаб кетар эдилар. Баъзан бизни бирга ишга олиб кетишар эди. Ейиш-ичишнинг ҳам мазаси йўқ бўлиб, овқатимиз фақат арпа нон билан чойдан иборат эди. Чойни эса далада

ўсадиган сариқ гулли кўк ўтлардан тайёрлашганини биламан”.

Қулоқларга, уларнинг фарзандларига бўлган муносабат тарихдан бизга маълум. Инсонларга хос бўлмаган зўравонлик, ўзбошимчалик, ўта қийин шароитларда ҳам инсоннинг ғурурини, ўзлигини йўқотмаган кишиларгина бу жаҳаннамни енгиб ўта олишган.

Кичкина хонада қиш кунлари сандал қуриб, сандал атрофида ота-онаси, синглиси Шафоат билан ўтиришиб, онасининг Машраб, Хувайдо, Қул Хожи Аҳмад, Муқимий шеърларини ёддан ўқиб бериши Эркин, Шафоатларда шеърятга, илмга иштиёқ уйғотади. Улар 6-7 ёшларидаёқ кўплаб шеърларни ёддан билишган. Араб имлосида ёзишни ҳам ўрганиб олишган эди.

1937 йилда мактабга бора бошлаган Эркин ўқишни ва ёзишни билгани учун бир неча ойдан кейин иккинчи синфга ўтказишади. Шундай қилиб, бир йилда икки синфни битирган.

1938-1939 йилларда Узоқ Шарқдан корейсларни, Шимолий Кавказдан кулоқ қилиб кўчириб келтирилган балкарлар, кабардинлар, месхети турклари ҳам улар яшаб турган тўқайзорга жойлаштирилади.

Ёш Эркин ва Шафоатлар корейс, рус, кавказликлар билан дўстлашиб, уларнинг тилларини ҳам ўрганиб олишади. Айниқса, Шафоат ниҳоятда зийрак бўлиб, арифметикани ақл бовар қилмайдиган даражада яхши билар эди. Афсуски, улар 11 ёшидан бошлаб мактабни ташлаб, колхоз даласида кетмон чопишга мажбур бўлишди.

Улар яшаётган ҳудудда 4-синф бўлмагани учун 1940 йилдан бошлаб корейс болалари билан рус тилида ўқий бошлашди. Ўқишга иштиёқини, зехни ўткирлигини кўрган тоғаси Назиржон Эркинни отасига “ўғлингиз келажакда яхши одам бўлади, лекин қулоқнинг боласи бўлгани учун чуқур илм ололмайди, тўсиқлар бўлади, агар имкони бўлса бошқа фамилияга ўтказиш керак, шунда йўли очиқ бўлади” деб маслаҳат берган. Ота учун ёлғиз ўғлини бошқа фамилияга ўтказиш қанчалик оғир бўлса ҳам, чорасиз қолган ота Эркинни холасининг фамилиясига ўтказиб, Юсупов бўлиб қолди.

Уруш бошланиши қулоқлар ҳаётини яна ҳам оғирлаштирди. Урушга қулоқларни ҳам оммавий равишда жўната бошлашди. Эркиннинг отасини ҳам Воронеж шаҳрига олиб бориб, 10-15 кун давомида қуролдан фойдаланишни ўргатиб, фронтнинг энг хавфли участкасида жангга ташлашган. Тошмирза биринчи жангдаёқ елкасидан яраланиб, госпиталга тушиб даволанган ва яна жангга қайтган. 1942 йилдан кейин хат келмай қолган, ҳеч қандай маълумот олишнинг иложи бўлмаган.

Отаси фронтга кетгандан 10 ой ўтгандан кейин қулоқларга эркинлик берилди, онасига тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида паспорт берилди.

1943 йил бошида улар тоғаси Ҳасанбой ва холаси Фотима яшаётган Занги-Ота яқинидаги Бўзсув совхозига кўчиб келишди. Шу йили Эркин 5-синфда, Шафоат 3-синфда ўқир эди. Кўчиб келган жойларида мактаб йўқ бўлганлиги сабабли Эркиннинг 14 ёшда, Шафоатнинг 11 ёшда колхоз даласида ишлашга тўғри келди.

Ўша даврларда Ўзбекистонни кўп ерларида қанд лавлагиси экиларди. Украина немислар томонидан босиб олингандан кейин, мамлакатни қанд билан таъминлашга имкон берадиган бошқа жой йўқ эди. Лавлаги етиштириш пахта етиштиришдан ҳам машаққатли эди. Лекин лавлаги экиш ўша оғир йилларда минглаб одамларни ўлимдан сақлаб қолган эди. Нон топиш қийин, ҳамма жойда очарчилик пайтида лавлагини димлаб ейиш билан тирик қолдилар.

“1943 йилда қишлоғимиз яқинида қуйи Бўзсув ГЭСи қурила бошлади, – деб эсларди домла, – давставвал канал кўпригининг пойдеворини қуришда ишладим. Қурилишда ўқиш ва ёзишни биладиган битта мен эканман. Бригада бошлиғи Одил ака менга ҳам икки, уч кунда газета бериб, тушки дам олиш пайтида бошқаларга ўқиб беришни илтимос қиларди. Мени газетани ҳеч тугилмай, равон ўқишим бошқаларга ёқарди”(1).

1944 йилда колхоз жамоаси орасида яхши танилгани ва ҳурмат-эътибор орттиргани учун ёш Эркинни 3 ойлик бухгалтерлар тайёрлаш курсига ўқишга юборишди. Ўқишни тугатиб, 15 ёшли йигит колхоз бош бухгалтери ўринбосари бўлиб ишлади.

Эркин Юсупов қандай оғир шароитларда яшамасин, ишламасин, фақат иш эмас, озгина вақт топиб китоб ўқиш, ўрганишни ташламади. Уйда нон бўлмаса ҳам китоблар тўлиб ётарди. Онаси, синглиси ва холалари эртадан кечга қадар колхоз даласида ишлаб, ҳориб чарчасалар ҳам уни ўқишга ундар, ўқиши учун шароит яратиб беришга ҳаракат қилишарди.

Уруш тугаган бўлса ҳам одамларнинг бошига тушган иқтисодий қийинчиликлар тугамади, лекин Эркин Юсупов онаси, синглиси, холаси ва тоғаларининг розилиғи ва дуосини олиб, Ўрта Осиё давлат университети филология факультетига ўқишга кирди.

Домла билан биринчи курсга ўқишга кирганлар орасида академик М.Хайруллаев, проф. А.Эгамбердиев, проф. М.Воҳидов, проф. О.Шарофутдиновлар бор эди. 1952 йилда шу университетни “Мантиқ ва психология” ихтисослиги бўйича тамомлади. 1954 йилда Москвада “Мантиқ қонунларининг фалсафий таҳлили” мавзуида номзодлик, 1965 йилда Тошкентда “Мустамлака ва қарам мамлакатларда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршилиқлар масаласи” мавзуида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори, ЎЗР ФА академиги, Россия Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, професор.

1952-йилдан буён, узлуксиз равишда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланади. 1952-1954 йилларда Москва давлат педагогика институти фалсафа кафедраси аспиранти, 1954-1972 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти фалсафа кафедрасининг мудирини, 1972-1979 йилларда Партия тарихи институти директори, 1979-1990 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти ва Президиум аъзоси, 1990-1992 йилларда Тошкент давлат университети ректори, 1992-1994 йилларда Ўзбекистон зиёлилари уюшмасининг президенти, 1994-1995 йилларда республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг раҳбари, 1995-1997 йилларда Тошкент давлат университети гуманитар факультетлар фалсафа кафедрасининг мудирини лавозимида ишлаган.